



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
**B U Y R U G' I**

20 19 yil "09" 01

№ 5

Toshkent sh.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида тиббий туризм  
йўналиши бўйича олиб борилаётган фаолиятни тубдан  
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5590-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4055-сон Қарори ижросини таъминлаш, республика ҳудудидаги даволаш-профилактика муассасаларида тиббиёт туризми соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган замонавий юқори технологик тиббий хизматлар турларини ва сифатини янада ошириш, республикамизда тиббиёт соҳасида эришилган ютуқ, мавжуд имкониятлар ва салоҳиятни аҳоли орасида ва чет эл давлатларда тарғиб этиш мақсадида **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019-2020 йилларда тиббий туризмни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларининг тиббий туризмни ривожлантириш бўлими тўғрисида намунавий Низом 2-иловага мувофиқ;

чет эл фуқароларига кўрсатилган пуллик тиббий хизматлар ҳажми тўғрисидаги маълумотнома 3-иловага мувофиқ;

тиббий туризм йўналиши бўйича келган чет эллик беморларнинг касаллик турлари бўйича маълумотнома 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси соғлиқни сақлаш тизимида

тиббий туризм йўналиши бўйича масъул ва мувофиқлаштирувчи бошқарма этиб белгилансин.

3. Давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси (К.Эшназаров) мазкур буйруқнинг 1-иловасида келтирилган комплекс чора-тадбирлар режаси ижроси ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ таъминланишини назоратга олсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, клиника, шифохона ва санаторий раҳбарлари:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги йирик давлат тиббиёт муассасаларида (Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, клиникалар, ҳудудий кўп тармокли тиббиёт марказлар, ҳудудий болалар кўп тармокли тиббиёт марказлар, ҳудудий диагностика марказлари, шифохоналар, вилоят стоматология поликлиникалари, Реабилитация марказлари, Кексалар ва ногиронлиги бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари ва бошқалар) чет эл фуқароларига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, уларни қабул қилиш ва даволаш жараёнини назорат қилиб бориш мақсадида, бир ой муддатда хўжалик ҳисобидаги мавжуд штат бирликлари ҳисобидан икки нафар ходимдан кам бўлмаган тиббий туризмни ривожлантириш бўлимини ташкил этилишини;

икки ой муддатда тегишли тиббиёт муассасалари хўжалик ҳисобидаги шифо ўринлар фондининг камида 5 фоизи миқдорида чет эллик фуқароларни қабул қилишга мослашган сервис палаталар (кондиционер, музлатгич, телевизор, Wi-Fi, иссиқ-совуқ сув, душ, хожатхона ва бошқалар) ташкил этилишини;

республикамиз тиббиёт муассасаларида даволанган чет эл фуқаролари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар чоракда кейинги ойнинг 10-санасига қадар ўсиб борадиган натижа билан Давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармасига мазкур буйруқнинг 3 ва 4-иловаси билан тасдиқланган шаклда тақдим этиб борилишини;

тасарруфидаги муассасаларнинг етакчи мутахассисларини тиббий туризмни ривожлантириш соҳасида ташкил этиладиган республика ва халқаро тадбирларда иштироки таъминланишини;

ўз муассасалари салоҳиятини республика ҳудудида ва чет эл давлатларида намоиш этиш ҳамда улар томонидан сайёҳлик хизматлари билан уйғунлашган ҳолда тиббий хизматлар кўрсатилишини ташкил қилиш

мақсадида кенг доирада PR-компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйишини таъминлансин.

5. Вазир ўринбосари (Б.М.Низомов), Иқтисодиёт ва молияштириш бош бошқармаси (Б.Эргашев), Халқаро бўлим (А.Қаюмов) ларга:

Давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармасининг билдиришномасига асосан, тиббий туризмни ривожлантириш соҳасидаги республика ва халқаро анжуманларда Ўзбекистон Республикаси соғликни сақлаш муассасаларининг иштирокини таъминласин.

6. Лицензиялаш ва аккредитациялаш бошқармаси (Ф.Рахимкулов) бир ой муддатда республикадаги нодавлат тиббиёт муассасаларида чет эл фуқароларига кўрсатилган тиббий хизматлар ҳисоботи ва чет эллик мутахассислар томонидан ўтказиладиган турли хайрия акцияларини (тиббий кўрик, текширув, маслаҳат бериш амалиётлари ва х.к.) тартибга солиш механизмини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

7. Мазкур буйруқ чиқарилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирининг 2016 йил 20 апрелдаги 185-сонли ва 2018 йил 7 ноябрдаги 602-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур буйруқнинг ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А. Шадманов

Соғлиқни сақлаш вазирининг  
 2019 йил “09 01” даги  
 5-сонли буйруғига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019-2020 йилларда тиббий туризмни  
 ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”**

Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Такдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми
Йирик давлат тиббиёт муассасаларида тиббий туризм хизматларини кўрсатиш бўйича, шу жумладан чет эл давлатларидан келаётган фуқароларни ва уларнинг кузатувчиларини қабул қилиш ва даволаш бўйича махсус тузилмаларни ташкил қилиш.	2019 йил 1 февралдан бошлаб	ДХШваТТРББ, Халқаро бўлим, Юридик бўлим, тиббиёт муассасалари	Буйруқ асосида йирик давлат тиббиёт муассасаларида тиббий туризм хизматларини кўрсатиш, чет эл давлатларидан келаётган фуқароларни ва уларнинг кузатувчиларини қабул қилиш ва даволаш бўйича махсус тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида тиббий туризмни ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш.	2019 йил 1 мартгача	ДХШваТТРББ, Халқаро бўлим, Юридик бўлим	Соғлиқни сақлаш вазирининг амалдаги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
“Ўзбекистон Республикасида тиббий туризмни ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳаси ва ижроси бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.	2019 йил 15 март	ДХШваТТРББ, Халқаро бўлим, Юридик бўлим	Қарор лойиҳасини ўрнатилган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий туризм бўйича расмий веб-сайтини яратиш ва унда республикадаги тиббиётнинг барча йўналишларида замонавий юқори технологияли тиббий хизмат кўрсатадиган марказлар, клинкалар ва шифохоналар тўғрисида маълумотлар базасини босқичма-босқич шакллантириш.	2019 йил 1 августгача	ДХШваТТРББ ИваМББ, “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” ДУК, тиббиёт муассасалари	Веб-сайтни яратиш, йўналиш бўйича ахборот материалларни жойлаштириш, интерактив хизматларни доимий ишлашини таъминлаш.

Махсус тиббий тур пакетлар ишлаб чиқиш. шу жумладан сайёҳлар келиши, даволаниши ва қайтиб кетиши вақтларида уларни кузатиш.	2019 йил 1 апрель	ДХШваТТРББ, ИваМББ, Халқаро бўлим, Юридик бўлим, тиббиёт муассасалари	Намунавий туристик пакетларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари клиникалари, йирик шифохоналарда аҳолига кўрсатилаётган замонавий мураккаб тиббий хизматлар тўғрисида маълумотлар рекламасини шаҳар кўчаларида баннерларда, телемониторларда жойлаштириш.	2019-2020 йиллар давомида	ДХШваТТРББ, тиббиёт муассасалари	Тиббиёт муассасалари тиббий хизматлари тўғрисида реклама маълумотларни тайёрлаш, шунингдек реклама роликларни, баннерлар, плакатлар тайёрлаш. Оммавий ахборот воситалари учун мақолалар, кўрсатувлар тайёрлаш, шу жумладан расмий веб-сайт, матбуот анжуманлар орқали эълон қилиш.
Чет эл давлатларда тиббий туризм йўналиши бўйича ўтказиладиган турли анжуманларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ютуқлар, татбиқ этилган ва кенг йўлга қўйилган замонавий мураккаб тиббий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни тарғиб этиш.	2019-2020 йиллар давомида	Халқаро бўлим, ДХШваТТРББ, ИваМББ, тиббиёт муассасалари матбуот хизмати	Чет эл давлатларда ўтказиладиган анжуманларда тиббий туризм соҳасида фаолият олиб бораётган вазирлик масъул ходимлари, тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва етакчи мутахассислари иштирок этилишини таъминлаш.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида чет эл клиникалар мутахассислари томонидан ўтказиладиган бепул консультациялар, акцияларнинг тартибини ишлаб чиқиш.	2019-2020 йиллар давомида	ДХШваТТРББ, Халқаро бўлим, тиббиёт муассасалари	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғини қабул қилиш.
Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлар, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари клиникалари, йирик шифохоналарда чет эл фуқароларига алоҳида сервис хизматларни кўрсатиш чораларини такомиллаштириш.	2019-2020 йиллар давомида	ДХШваТТРББ, Халқаро бўлим, тиббиёт муассасалари	Сервис хизматларини ташкил этиш бўйича манзилли рўйхат тайёрлаш. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сервис хизматларни кенгайтириш.

Чет эл фуқароларига кўрсатилаётган тиббий хизматлар тарифларига устамалар белгилаш тартибини такомиллаштириш.	2019 йил 1 апрелгача	ДХШваТТРББ,	Ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғига ўзгартириш киритиш. Муассасалар пуллик хизмат тарифларини қайта кўриб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида чет эл клиникалар мутахассислари томонидан ўтказилаётган бепул консултациялар, акцияларнинг тартибини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 сентябргача	ДХШваТТРББ, Халқаро бўлим, тиббиёт муассасалари	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғини қабул қилиш.
Чет эл фуқароларига шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини қайта кўриб чиқиб, қонунчиликка киритиладиган тегишли ўзгаришлар бўйича таклифлар киритиш.	2019 йил 1 ноябргача	ДХШваТТРББ, ДПЁТББ	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғини қабул қилиш.

Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2019 йил "09" 01 даги  
5-сонли буйруғига 2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
тизимидаги тиббиёт муассасаларининг тиббий туризмни  
ривожлантириш бўлими тўғрисида  
намунавий НИЗОМ**

**1. Умумий қондалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармониға мувофиқ тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда Муассаса деб юритилади) тиббий туризм хизматларини кўрсатиш бўлимининг мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Бўлимда ўзбек, рус ва инглиз тилларини биладиган, тиббиёт мутахассислиги бўйича камида 3 йил иш стажига эга, олий маълумотли ходимлар ишлаши мумкин.

3. Бўлим ходимлари лавозимға Ўзбекистон Республикаси Давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси билан келишилган ҳолда Муассаса раҳбари томонидан лавозимға тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларға, шунингдек ушбу Низомға амал қилади.

5. Бўлим ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш миқдори ўрнатилган тартибда Муассаса раҳбари томонидан белгиланади ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалға оширилади.

**2. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

кўратиладиган тиббий хизмат номенклатурасини ва сифатини тарғиб этиш йўли билан чет эллик фуқароларни даволанишға жалб этиш;

фуқароларнинг чет эл давлатларига тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида чиқиб кетиш ҳолатларини олдини олиш борасида чора-тадбирларни амалға ошириш;

чет эл фуқаролари ва уларнинг кузатувчиларига кўрсатиладиган тиббий ва сервис хизматлар комплекси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

замонавий юқори технологик тиббий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни Муассасанинг веб-сайтига жойлаштириш ва уни янгилаб туриш бўйича таклифлар киритиш;

ахборот семинари, давра суҳбати ва бошқа тадбирларда катнашиш йўли билан ҳамда ОАВ орқали кўрсатиладиган замонавий юқори технологик тиббий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ҳамда чет эл давлатлардаги фуқаро ва ташкилотларга тарғиб этиш;

энг юқори технологик замонавий тиббий хизматларни кўрсатаётган Ўзбекистон ва чет эл тиббиёт марказ ва клиникалари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибасини Муассаса фаолиятига тадбиқ этишда кўмаклашиш.

7. Белгиланган вазифаларга мувофиқ қуйидагилар Бўлимнинг асосий функциялари ҳисобланади:

кўрсатиладиган тиббий хизмат номенклатурасини ва сифатини тарғиб этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқароларининг чет эл давлатларига тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида чиқиб кетиш ҳолатларини олдини олиш борасида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

чет эл фуқаролари ва уларнинг кузатувчиларига кўрсатиладиган тиббий ва сервис хизматлар кўламини ва сифатини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ахборот семинари, давра суҳбати ва бошқа тадбирларда катнашиш;

замонавий юқори технологик тиббий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ва чет эл давлатлардаги фуқаро ва ташкилотларга тарғиб этиш.

### **3. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун Муассаса орқали қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, юридик ва жисмоний шахслардан ўз ваколатлари доирасида зарур ахборот ва маълумотнома материалларини белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

9. Бўлим ушбу Низомга ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, зиммасига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаши шарт.



#### 4. Бўлимни бошқариш

10. Бўлимга бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

11. Бўлим бошлиғи белгиланган тартибда:

Муассасага келадиган чет эл фуқаролари ва кузатувчиларини кутиб олиш, трансфер, таржимон, Муассаса ва меҳмонхонага жойлаштириш, даволаш ва кузатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

Муассасада тиббий туризмни ривожлантиришга доир масалалар бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Муассаса маъмуриятига киритиш;

тиббий туризмни амалга ошириш ва ривожлантиришга қаратилган Муассаса ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика тадбирларни (“давра суҳбати“, семинар, конференция, кўргазма, ярмарка ва бошқалар) ташкиллаштиртириш ва уларнинг ишида қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ташкилотлари ўртасида тиббий туризмни ривожлантириш йўналиши бўйича ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш;

чет эл фуқароларининг кузатувчилари учун Муассаса ҳудудида ёҳуд яқин масофада жойлашган меҳмонхонада дам олиш ва тунаш имкониятларини ташкил этиш;

Муассасада чет эл фуқароларига кўрсатиладиган тиббий хизматлар статистикасини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда даволаниш натижаларига кўра асорат билан қайтган фуқароларнинг рўйхатини шакллантиришни таъминлашни ташкил этади.

12. Бўлим бошлиғи Бўлимга юклатилган асосий вазифалар ва функцияларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

#### 5. Бўлим ходимларининг штат жадвали

13. Бўлимнинг ташкилий тузилмаси ва ходимларининг штат жадвали Муассаса раҳбари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

#### 6. Яқунловчи қоидалар

14. Бўлимда меҳнатни ташкил этиш ҳамда иш ҳақи тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Соглиқни сақлаш вазирининг  
2019 йил 09 01 даги  
5 -сонли буйруғига 3-ИЛОВА

**Чет эл фуқароларига кўрсатилган пуллик тиббий хизматлар ҳажми тўғрисидаги маълумотнома**

№	Давлатлар номи	Даволанган беморлар сони		Жами тушган маблағ миқдори (млн сўм)	Ўртача бир бемордан тушган маблағ миқдори (млн сўм)
		Стационар	Амбулатор		
	ЖАМИ:				

